



ИШОНЧ

2

1994
йил
8—14
январь
[144]

Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси

**КАСАБА
УЮШМАЛАРИДА**

«Ишонч» мухбирлари
хабар қиласидар:

МУХОКАМА КИЛИНДИ

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсати йилини мухокамасига «Касаба уюшмаси аъзолик ҳамда ижтимоий сугурта бадаллари тушуми ахволи ҳакида»ғи масала киритилди. Бунга сўнгги пайтларда вилоятдаги давлат ишлаб чиқариш корхоналари ва муассалари касаба уюшмаларида бадал маблағларини ўз вактида туширишга эътибор сусаний кетганини сабаб олди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашин раёси Химойиддин Шарофуддинов раненгида ўтган раёсат йигилишида, шунингдек, «Шахарлар ва туманлар мувофиқлаштириш кенгашларининг хокимиятлар билан, касаба уюшмаларининг хўжаликлар билан 1993 йил учун тузган шартномаларнинг бажарлишин», «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига обуна бўлиш натижаларига доир» масалалар ҳам мухокама килинди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

КАСАБА уюшмалари Хоразм вилоят кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлиса ташкилий масала кўрилди. О.Х. Юсупова пенсияга чиқиши мұносабати билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси вазифасидан озод килинди. Вилоят хокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Қаландар Сафоев касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси килиб сайданди. Мажлиса Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари З.Э. Кодиров вилоят хокимининг биринчи ўринбосари О. Ражабов катнашдилар ва нутк сўзладилар.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ДЕҲКОНЧИЛИК саноати мажмуи ходимлари Жиззах вилоят касаба уюшмаси кўмитасининг мажлисида «Янги ижтимоий-иктисодий шарондат касаба уюшмаси ташкилотларининг вазифалари» мухокама килинди. Бу ҳакда вилоят касаба уюшмаси кўмитаси раиси С.М. Маллаев маъруза килинди.

Маърузачи ва сўзга чиқкан ўртоқлар бозор иктисолидига ўтиш даврининг ўзига хос кийинчиликлари, нарх-навонинг тўхтосиз ўсиши, ахоли турмуш даражасининг пасайб кетаётганинги, ана шундай пайтда ҳукуматимиз томонидан меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш, иктисолий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, айниқса кам даромадли! серфарзанд онлаларни, пенсиянер ва ўкувчиларни химоя қилиш юзасидан кабул килинган карорлар ижобий натижалар берадиганлигини таъкидлашиб. Хозирги ижтимоий-иктисодий шарондат бошлангич ташкилотларининг ишини такомиллаштириш, ишсиз колган ишчиларни иш билан таъминлаш, жамоат шартномаларининг бажарилishiга эришиш, хамма корхоналарда техника ҳафзизлигини таъминлаш, меҳнаткашларни бехатар иш юритига ўқитиш, йўл-йўриклир ўтказиш, касблар бўйича йўрикномалар ишлаб чиқиш, ахолини етарли микрорда уйлижили қилиш, ишчиларни согломлаштириш касаба уюшмаси ташкилотларининг бош вазифаси эканлиги уқтирилди.

Мажлиса мухокама килинган масалалар юзасидан тегинши карор қабул килинди.



— Ширин-шакар болажонлар учун табиий газламалардан кўпроқ кийим-кечаклар ишлаб чиқаришимиз керак,— дейди бригада бошлиғи Маҳбубаҳон Муҳаммадиева (ўнгда), тикувчилар Раҳимаҳон Пардаева билан Насиба Мелиевага. Бу кўли гул кизлар Жиззах шаҳридаги «Эркин» акционерлик жамиятида меҳнат қиласидар. Ўз корхоналарининг чинакам хўжайини бўлган чеварлар ўттиз хилга яқин ранг-баранг кийим-кечаклар — болалар, аёллар, эркаклар кўйлаклари, қишлоқ меҳнаткашлари учун паҳталик кийимлар тайёрлаб, зиммаларидаги вазифаларни вактида, сифатли адо этаяптилар.

Сизнинг юксак дидингиз, чевар кўлларингиз билан тикилган кийим-кечаклар янада кўпаяверсин, азиз дўстлар!

Б. ТўРАЕВ олган сурат, (ЎЗА).

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

Бу йилги қиши Қорақалпоғистонга одатдагидан эрта келди. Ноябр ойининг дастлабки кунлариданоқ бетиним ёқсан қор ерни оппоқ қалин кўргага буркаб ташлаганди. Қаҳратон совуқдан Амударё-ю кўллар, асрӣ Қизилқум, Устюрт... музлаб қолди.

Киши азал-азалдан чорвадорлар учун синов даври. Аммо, бу йилги қиши чорвадорларга, айниқса марказдан олиса кўй бокаётган чўпон-чўликлар учун бенихоя оғир бўлаяпти. Ахир, Қизилқум ва Устюртдаги минглаб отарларда 332 минг бўш кўй-кўзлар бокиляпти-да!

Юз берган фавқулодда вазиятга Қорақалпоғистон Республикасида тезкорлик билан аниқ баҳо берилди, зудлик билан амалий ёрдамлар уштирилди. Чорвадорларга кўмак бериш учун биринчилардан бўлиб касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Федерацияси кенгаши фаоллари отланишиди.

— Кейинги ярим асрда қишининг бундай барвакт; шиддат билан келганини кўнгли кексалар хам эзлаша олмайди,— дейди агросаноат мажмун ходимлари касаба уюшмаси

Қорақалпоғистон кўмитаси ранининг ўринбосари Сапарбой Кенибоев.— Вазиятнинг қалтислиги ўз вактида хисобга олинди. Чорвадорларга амалий ёрдам бериш мақсадида тўла сафарбарлик эълон килиниб республика ва туманлар миқёсида маҳсус штаблар ташкил этилди. Чўпонларга минг донага яқин иссик кийим-бошлар, етарли даражада озиқ-овқатлар етказиб берилди. Қиска мuddатда Зингиртония омухта ем, минг тоннадан ортиқроқ кунжара, шелуха отарлар бошинга ташиб олинган эди. Узбекистон Республикаси ҳукуматининг амалий кўмаклари натижасида қўшимча равишда 1500 тонна омухта ем келтирилди. Хозир ем-хашакдан жуда омилкорлик билан фойдаланилмоқда. Хар бир фермада, отарларда мутахассислардан иборат навбатчилар ташкил этилган. Электр энергияси, техника, ёқилиг ётарли. Молхоналар мунтазам равишда тозаланмоқда, иссиқ сув билан тўла таъминланган.

Бу йилги қиши Устюрт пасттекислиги атрофларида ва Тахтакўпир, Беруний, Тўрткўл ва Элликкала туманларининг Қизилқумдаги коракўчлилик хўжаликларида жуда мураккаб вазиятни вужудга келтириди. Шунинг

Хабарлар магзи



● 1994 ЙИЛНИНГ 1 январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш түғрисида Узбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.

Фармонга кўра иш ҳақининг энг кам миқдори ойига 30.000 сўм-купон қилиб белгиланиб иш ҳақи шунга мувофиқ равиша оширилди. Меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори ойига 32.450 сўм-купон қилиб белгиланди, ҳозирги вақтда амалдаги барча пенсия турлари шунга мувофиқ равиша оширилди.

Олий ўқув юртлари талабалари, техникимлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам ўртача 1,2 баравар кўпайтирилди, тушлик овқат қийматидан 50 фойзлик чегирма ўрнига ҳар бир талабага ойига 10.000 сўм-купон миқдорида пул компенсацияси белгиланди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов «Рӯҳоният» ҳалқаро уюшмасининг «Ҳалқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофотининг лауреати бўлди. Марказий Осиё ҳалқлари ўртасида яхши қўшничиликни ўрнатишга катта ҳисса қўшганлиги учун Узбекистон раҳбарлари ана шу мукофотга сазовор бўлди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Узбекистон Республикаси экспорт имкониятларини оширишни янада раҳбарлантириш чоралари ҳақида» қарор қабул қилди.

● УЗБЕКИСТОН Республикасининг Президенти Ислом Каримов Давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўлди. Таширни ҳоғида Ҳиндистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан расмий музокаралар бўлди, турли битимлар имзоланди.

учун ҳам бу жойларда сафарбарлик эълон килинди, ҳамма олис яйловлардаги чўпон-чўликларга ёрдамга отланилди. Айниқса Элликкала тумани давлат ва жамоаси хўжаликлиги таҳсинга лойик бўлди. Тумандаги 14 та жамоа ва давлат хўжаликлири Қизилқум кўйинида «Бухан-Мерей» давлат хўжалиги чорвадорларига ёрдам бериш учун сафарбарлик эълон килишиди. Ноябр ойида 40 та маҳсус уловларга ортилган 200 тонна дагал ҳашак 70 та отарларга етказиб берилган эди. Декабр ойида ёрдам ҳажми кескин ортирилиб, 90 та курдатли тракторлар билан 300 тонна ҳашак, 100 тонна омухта ем энг олисдаги отарларга ташиб олинди.

Кизилқумдаги «Кизилқалъя», «Жамбасқалъя» коракўчлилик давлат хўжаликларига ҳам етарли кўмаклар берилляпти.

Хуллас, қишлоғин беталоғат ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамма жойида бошланган сафарбарлик уюшқослик билан ўтказиллаётпи.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МУНАВВАР опа Салимова ёшлари 50 ни коралаган, фабрикамизда меҳнат килаётганига йигирма йилдан ошиб колди. Шундайки, ўйчан қиёфалари кўз олдингдан нари кетмайди, беозор, майн овозини эслаганингда қалбинга илик нур таралганини ҳис қиласан киши. Ба бирдан у кишига нисбатан бўлган ишонч ва хурматинг янада ортиб кетади, ҳаётнинг оғир дамларида фариштадай бу аёлнинг ённингда бўлишини истаб қоласан. Шусабаб бўлса-керак, касаба уюшмазига раис сайлашда бир овоздан Мунаввар опанинг номзодини кўрсатдик.

Биз Мунаввар опа Салимовани касаба уюшмамиз кўмитаси раислиги сайлаганимиздан ҳали-ҳали севиниб юрамиз. Чунки Мунаввар опа ўша

Бичувчи ва тикувчиларимиз кўпи шахар атрофидан эмасми, транспорт тақчиллиги оқибатида ишга вактида етиб келишолмайди. Конун, маъмуряят эса ишчининг ўз вактида ишда бўлишини истайди. Яна, транспорт етишмаслиги оқибатида, хотин-қиз ишчиларимиз ишдан сўнг уйларига ҳам кечикиб боришга мажбур. Бу энди ёки отага ёқмайди. Шундай қилиб, иккى орада кимга кийин, хотин-қизларга кийин. Охир-оқибат бечоралар ишни ташлашга мажбур. Қарбасизки, фабрикада яна кўнимсизлик. Ҳуллас, фабрика хотин-қизлар иш шароити яхшиланмас экан, ишлаб чиқаришдаги аҳвол яхшиланмайди, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ёпиши мұқаррар...

Нихоят, фабрика маъмуряти Му-

нинг ишчи-хизматчилар моддий ахволига таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Шуларни ўйлаб, Мунаввар опа билан ишдан кейин фабрикада колиб, алламаҳалгача ишчиларга бериладиган мукофот пулларининг тўғри хисобланишини караб чиқамиз. Ишчиларимиз маоши хозиргача беш марта, тайёр кийимлар тикишга тўланадиган қўшимча ҳақ эса 20 фоиздан иккى марта оширилди. Ноябр ойи иш ҳақи натижалари бичувчиларимиз ўртача 60 минг сўмдан маош олганлигини кўрсатди.

Касаба уюшмамиз кўмитаси жамоамиз аъзоларининг оилавий ва иқтисодий ахволини ўрганиб чиқди. Натижада, серфарзандлиги туфайли кўп ҳаржли деб топилган ишчиларга, меҳнат таътилига чиқкан пайтда, бир ойлик маоши хисобида қўшимча таътил пули бериладиган бўлди. Фабрика қошида чойхона-ошхона ишлаб тургани айни мудда бўлди. Бу ерда ишчиларимиз 50 фоиз арzonга овқатланишмоқда. Овқатнинг қолган 50 фоиз қийматини тўлаши фабрика ўз зиммасига олган.

Мунаввар опанинг ишчининг кўп маош олишидан ҳар куни козони кайнанидан кўнгли тўк бўлса, ижтимоий ҳимоя мақсадларига килинган ҳаражатлар иккى хисса фойда билан фабрикага қайтади, деган гаплари тўғри бўлиб чиқмоқда. Бундан иккى йилча олдин корхонамиз ойлик даромади ишчи-хизматчилар маошига етар-етмас даражада бўларди. Эндиликда эса банқда заҳира пулимиз бор. Бу пул маошлар, ижтимоий мақсадларга сарфлашдан ташқари, ишлаб чиқариши кенгайтириш, хомашёлар ҳарид қилишга ҳам етади.

Чиндан ҳам, ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш ишлаб чиқариши яхшилашга, ишлаб чиқаришнинг яхшилашни ишловчиларга ижтимоий ғамхўрликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Касаба уюшмадек суюнчиғи борлигига ишонч хосил қилган фабрикамиз ҳар бир аъзоси ўз вазифасига маъсулнят билан ёндошадиган бўлиб колди. Бугун кечагидан баракали ишлаш, маҳсулот сифатини яна яхшилаш, хомашёлардан тежамли фойдаланиш, тикув машинаси ишлаш муддатини узайтиришга эришиш тикувчиларимиз шиоридир.

Тания САФАРОВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз
тикувчилик фабрикаси касаба
уюшмаси кўмитаси аъзоси,
нархлар бўйича иқтисодчи хисобчи.

САРҲИСОБ

Ваисбек АЛИМБЕТОВ,
«Бўстон сув қурилиши» трести
бошқарувчиси, Қорақалпогистон
Республикаси ҳалқ депутати.

Ўтган йил трестимиз жамоалари ҳаётида ўчмас из қолдирди. Қорақалпогистоннинг жанубидаги Тўрткўл, Беруний ва қўриқ Элликқалъа туманларида қурилиш-монтаж ишлари олиб бораётган механизацияшган кўчма колонналаримиз салкам 2 миллиард сўмлик ишларни баҳариб қўйиши. Ўнлаб йирик иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Ҳар йили 55—60 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига чиқара оладиган Бўстондаги тўқимачилик комплексини Наврӯз байрамигача ишга тушириш учун қизғин кураш кетаётли. Ўнг қирғоқ Бош коллекторини, Аёзқалъа атрофларидағи қадимий серҳосил ерларни сув билан таъминловчи Р-1 каналини қазиш жадал суръатларда олиб бориляпти.

Ҳуллас, йил яхши, кўнгилдаги демонстрацияни якунланди. Босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қиласар эканмиз, бажаришмиз лозим бўлган ишлар кўлами янада катта эканлиги равшанлашди. Шу мақсадда янги йилга дадил қадам қўйдик. Шубҳасиз, бу йилда ҳам меҳнат ютуқларини тобора кўпайтириб, жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини янада мустақалашга улуш қўшамиз.

ШАҲАР- ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧАВЕРСИН

Муҳаммаджон ХУСАНБОЕВ,
«Намангандарё» трести
қарашли Намангандарё қурилиш
бошқармаси бригада бошлиғи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
бинокор.

Вақт оқар дарё экан, кўз очиб юнгунча йил ўтиб кетибди. Лекин, ўтган 1993 йил биз — бинокорлар учун беҳуда кетмaganлигидан қаноат ҳосил қилдик.

Бундан ўттиз йилча бурун хунар-техника мактабини битираётганимда Москвадан номи овоза бўлган қурувчи ташриф буюрганинни яхши эслайман. Уни роса кўттар-кўттар қилишиб биз билан учрашувга ҳам олиб келишганди. Ўшанда талаба дўстларимдан бири «Намангандарё» сизга ёқдими деб савол берди. Шунда ҳалиги меҳмон юз-хотир қилмасдан «соя-салқинлигини ҳисобга олмагандага» каттароқ қишлоққа ўхшаркан», деб жавоб қайтарганди.

Қани энди керилб шаҳримизни кўзга илмаган ўша жаноб яна бир бор келиб кўчаларимизни кўрса! Заркент кўприги даҳасидаги юрак-қон-томир касалликларини даволаш маркази, Баш бекат бозори, янги болалар шифохонаси, «Дўстлик» шоҳ кўчасидаги «Савдо уйи», кенгайтирилаётган Марғилон кўчасидаги ўзгаришлар, булардан ташқари янгидан қад тикилаган қанча-қанча маданий маиний ва жамоат бинолари ҳамда тураржойлар шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўши. Буларда бригадамиз жамоасининг хисбаси борлиги билан фахрланамиз. Янги йил арафасида «Тез ёрдам шифохонасини» учун даволаш биносини фойдаланишга топширилди, иккинчисига пардоzlashi ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йил менда ҳам унтилмас таассурот қолдирди. 30 йиллик меҳнатим эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» унвонига сазовор бўлдим.

Ягона истагим, шуки, шаҳар-қишлоқларимиз йил сайнин кўрк очаверсин.

ДАСТУРХОНИМИЗГА ФАЙЗ КИРСИН

Абдуҳаким ҲУДОЙНАЗАРОВ,
Косонсой туманидаги «Шарқ
юлдузи» жамоа ҳўжалигининг
раиси.

Иил йилга ўхшамайди, дегандарни ҳақ гап. 1993 йил биз учун ғоят қийин келди. Баҳор кечиканлигидан ташқари ёз ҳам кўнгилдагидек иссиқ бўлмади. Фарғона водийиси учун куз фасли серташвиш бўлганлиги, айниқса оқтябрнинг иккинчи ярмидан кейин нуқул ёмғир-қор ёғланлигини эсласангиз қанчалик мурракаб шароитда меҳнат қилинганини яққол сезилди. Бунинг устига ҳўжалигиниз Намангандарё вилоятининг энг шимолида, Кирғизистон билан туташ ҳудудда, Чотқол ва Курмадар таъсисида жойлашганлиги сабабли қийинчиликлар иккى хисса ортди.

Лекин соҳибкорларимиз чина-камига матонат, бардош кўрсатдилар, ўз ишларига омилкор эканликларини исботладилар. 375 гектар майдондаги токзордан 3580 тонна ҳосил йиғишириб олindi. Ҳар гектар узумзор ҳосилдорлиги 97 центнерданга этиб, вилоят миқёсида иккинчи ўринни эгалладик. Абдулатиф Ҳудойбердиев, Абду-

халил Холмонов, Абдураҳим Қозоқовлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ҳисобига кўтарилиган хирмон кўрсаткичи 100—110 центнерданни ташкил этди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларидан ҳам йилни дуруст якунладик. Эл дастурхонига 500 тонна сабзавот, 400 тонна картошка, анчагина қуртилган мева армуғон этдик. Чорвачилик соҳасидаги режаларни ҳам ортиги билан удавладик. Мен демоқчиманки, йил, об-ҳаво бири иккинчисига ўхшамаси ўхшамасин, аммо инсоннинг меҳнатига, ўз касбига нисбатан муҳаббати, эл-юрга фойда келтириш туйғуси бир хиллигич қолсин.

Провордида яна айтмоқчиман, соҳибкорларимиз буғунги иқтиносидаги буҳрон шароитида одамларга сал бўлсада мадад бериш учун ўзларига боғлиқ ҳамма ишни қилидилар. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида боғлар ва экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўрадилар.



Тошкент чинни заводининг 1-гул солиши цехида ишловчи она бола Раъно ва Доно Корабоевалар янги йилнинг дастлабки иш кунлариданоқ, ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият беряятилар. Улар кунлик топшириларини 105 фонзига етказиб бажармокдалар. Омад сизларга ёр бўлсин.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҮЗБЕК халқи озодлик, мустақиллик учун курашган, ҳатто бу йўлда ўз жонларини курсон килган маърифатчилари билан фаҳрланади. Чунки улар асримиз бошларидаёк, рус империяси зулмига, ҳарқандай адолатсизликка қарши кўркмай, мардонавор кураш олиб бордилар. Демократик давлат тузумини талаб килдилар. Янги замон мағкурасини барпо қилиш факат миллатнинг кўлида эканлигини тушуниб етган. Янги мағкура яратиш учун маданиятили миллый урф-одатлар, анъаналарни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш зарурлигини билган эдилар. Бунинг учун биринчи галда халкнинг онгини оширишни, билимдон бўлишини ўладилар. Маърифатни улуғлаб барчани баробар илим олишга чакирилар. Илмни озодлик, демократиянинг асоси деб билдилар. Улар шу жиҳатдан жадидчилик харакатини кўллаб-куватладилар. Жадидчилик гоялари маҳаллий халқ учун «Янги усуздаги мактаб очиш», «Янги усуздаги мактаблари муаллимлари ва ўкув мазмунини белгилаш» билан амалга ошиши лозимлигини таъкидлайдилар. С. Азизий, М. Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидов, М. Ш. Сўфизода, Исоҳон Ибрат, Абдуқодир Шакурий, Саидхамад Сиддикий, С. Айний, Хамза, А. Авлоний каби туркестоннинг машхур маърифатпарварлари шахсни иктисодий-социал ҳаёт талабларини қондиришга кодир, ҳар жиҳатдан кобилиятли бўлишининг ғамини единлар.

Шу сабабли миллат учун янги шаклдаги мактаб очиш, таълимнинг янгича усуслини ташкил этиш уларнинг асосий гоялари бўлди.

Бир гурӯх маърифатпарварлар мактабга маърифатхона, ижтимоий савод чиқариш ўчғи деб қараса, иккинчи гурухга бошчилик килган Абдурауф Фитрат эса мактабнинг вазифаси янгича дунё яратиш ва унинг мағкурасини барпо қилювчиларни тарбиялаб етказишдан иборат деб таъкидларди.

Шу билан бирга «Тарақкий — бу замонга ишорат ва балким, дину миллатга бащорат» деб у динни ҳам кўллар, дини мактабнинг «чироғи ва зиёси» сифатида баҳоларди. Бирок, диний мактабларни ислоҳ қилиш зарурлигини ҳам эътироф этарди.

Бундай ижобий гоялар Туркестон бағрида янги маданий миллый уйғониши бошланганинги билдиради. Мактаб таълимими янгича талқин этиш, дарс бериш усулларини яхшилаш, мактаб учун мазмундор, гоявий ўтқир дарслеклар яратишга киришилди. Шу йўсинда туркестонлик маърифат дарслекларининг қаламига мансуб бўлган 22 нафар алифбоси юзага келади. Бундай алифбе яратиш муаллифи Саидрасул Азизийнинг сўзи билан айтганда, 22 дона «Болаларнинг кўз ойнагига эга бўлишлик»дир. Маърифатпарвар олимлар олдидаги энг муҳим вазифа ўзбек болаларини мустақил мамлакатнинг мустақил фикрлайдиган, яхши тарбия кўрган авлондини ўстириб етказишдан иборат эди.

Бу соҳада кўп ишларни ҳал килган яна бир аллома — миллый маданиятилизни бобоси Муҳаммадхўжа Бехбудий бўлди. Унинг таъбирича умуминсоний маданият тарихини билиш, уни мустаҳкам эгаллаш, ҳар қандай шароитда ҳам юртга, халқка содик қолиш — энг олий фазилатdir. Ёшлар ана шу руҳда тарбия топишлари керак. Унинг гоясини давом этдириб, ижодий ривожлантирганлардан яна бири Абдулла Авлоний бўлди. Авлоний ташкил этган Тошкентдаги Миробод ва Дегрез маҳаллаларидаги мактабда болалар бойда саводхон бўлишган. Бунинг асосий сабаби ўқитишнинг энг қулий ва осон коидасини ишлаб чикканлиги эди унинг.

«Меҳр», «Фурур» алоҳида ўрин тутарди. Маълумки, буюк комусий олим Абу Наср ал-Форобий ҳам нуғузли инсонда миллый фурур юксак бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. «Бу — Оллотаоло мени яратгани, ота-онам дунёга келтиргани ва мен борлигим билан фаҳрланаман, демакдир, — дейди у. — Мазкур фоя инсонга кўтаринки руҳ бахш этади, уни кувнаб, эркин яшашга етаклайди».

Зероки Истиклол мағкураси эркин ҳаётнинг асосий мазмунидир. А. Авлоний Форобийнинг бу гоясини янада ривожлантириб, ҳаётдан нолийдиган ношуд, меҳнатни ўз манфаатига айлантирган инсонларни «тирик бўлса ҳам ўлиkdir, — деб таърифлаган. — Хара-

хисса қўшдилар. Уларнинг таълимотлари, ижодлари халқимизга маърифий мағкура тарихида ҳаётбахш восита бўлган. Дунёда ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш, адолатли, кечиримли бўлиш, ўзаро ёрдамлашиш, ширин сухонлилик накшбандиячиликнинг асосини ташкил этган. Бир неча асрлар давомида мусулмон дунёсига миллионлаб кишиларни у ўз таълимотига ана шу жиҳатдан ишонтирган ва ўз навбатида бу таълимот уларнинг бирлашишларида боявий қурол бўлиб хизмат килган. Накшбандий тариқати таълимоти айнан бугун учун, ҳозирги кишиларнинг маънавий камолоти учун, истиклол мағкураси яратилиб юксак парвоз сари канот қоқиши учун ҳам жуда муҳимдир? Демак, миллый мустақиллик мағкурасини яратишда аждодларимиз колдирган миллый меросимиздан унумлирок фойдалансак кўп ҳайрли иш бўларди. Чунки миллый меросимиз миллый ўзлигимизни янада яхширок, мукаммал роқ англеш ўйлида катта мактабдир. Шу жиҳатдан Низомийномидаги Тошкент давлат педагогика институтида кўп мингли муаллим ва талабалар онгига ана шу аждодларимиз таълимоти ва билимларини сингдириш оркали мустақил ўзбекистонимиз мағкурасини яратишга ҳисса қўшиш харакати олиб борилади.

«Баҳоуддин Накшбанднинг ҳаёти ва ижоди», «Ўрта Осиё мутафаккиларининг таълимотлари», «А. Авлонийнинг педагогик фаолияти» каби мавзуларда назарий-илмий анжуманлар ўтказилиб, ўзбек халқининг ўтмиш аждодлари, кадриятлари илмифан муаммоларининг ҳал қилиниши, ахлоқий ва ифтихор масалалари ҳакида тушунчалар берилади. Ўзбек миллый маданият ва фан арబларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссалари тўғрисида фикр алмашиди. Айниска, юртбошимиз И. А. Каримовнинг китобларида кўтарилиган иктисодий ривожланиш ва бозор муаммолари борасидаги, «Иктисад ва бозор муносабатларига ўтиш» мавзусидаги илмий анжуманлар муаллимларнинг таълим-тарбиявий фаолиятларида катта восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳакиқат, юкорида таърифлаганимиздек, республикамизда миллый мағкуранинг назарий илдизлари қадимдан мавжуд экан. Улар халқимизнинг миллый манфаатларига бориб тақаладиган миллый қадриятларимиз, Ўзбекистон халқларининг ҳис-туйфатари, ватанпарварлик, фурур ва жасорат каби тарихий зарурий фактор-миллый маърифат ва маърифатчилик харакатларидир. Ана шу маънавий бойликлардан ўринли фойдаланиш ўйларини Ўзбекистон фуқаролари онгига сингдириш ҳам маълум даражада ҳайрли ишдир. Бу вазифаларни бажаришда юртбошимизнинг мустақилликнинг иктисодий, сиёсий-гоявий, социал асослари ҳакидаги назарий ва амалий ишлари, кўрсатмалари йўлчи юлдуз бўлмоқда.

Жалолиддин ҲАСАНБОЕВ.
Педагогика фанлари доктори.

ИСТИҚЛОЛ МАҒКУРАСИ ҲАҚИДА

А. Авлоний бошлангич таълимнинг мазмунини миллат истиқболидан қараб белгилайди. Миллый фурур ўйғотадиган халқ яратган сўз санъатидан фойдаланади. Инсон қалбига зиё нурлари таратишга қодир аждодларимиз меросларидан, буюк сиймаларинг асарларидан фойдаланади. Шуниси куонарлики, бошлангич мактаблар учун ёзилган дарслеклар бир-бираiga ўхшамасди. Лекин ҳаммасида ҳам асосий фоя нозик бир нафосат пардаси билан ўралган ҳолда талқин этиларди. Ҳар бир дарслекнинг йўналиниши янги авлод вакили аввалом бор ўз қобилиятига ишонадиган, курашчан, қатъияти, тўғри сўз бўлишилиги анивка равшан таъкидланарди.

Маърифатпарвар муаллим Азизийнинг «Ўстоди аввал» дарслегига боғсилган «Ёлғончи» хикоясидаги «Дунёда энг хор қиши кимdir? Ёлғончи кишидир». «Ҳар кимга нима лозим? Рост сўзлик ва хушфөълликдир?» дейишлар алоҳида мазмун касб этарди.

А. Авлоний ҳам ўзининг «Биринчи муаллим» дарслегига «Ёлғончи чўпон» хикоясини киритиб, унда «Тўғри сўз куткарар балолардин, турли хижрон ва мажоралардин», деган гояларни олга сурган. «Рахбари муаллим». «Ўстоди аввал» каби ўкув дарслеклари, кўлланмаларига бундай хикоялар кўп кирилилган эди. Унинг педагогик таълимоти шу кундаги истиқлол мағкураси учун жон кўйидириш бўйича таълимнинг бошлангич муаммоларини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Навқирон, мустақил ўзбекистонимизнинг маънавий истиқлолини ёшлар онгига етказишининг биринчи бой манбаъларини яратди улар. Ўша дарслеклардаги маънавий тарбиянинг бу мезони — «Инсон», «Ватан»,

катчан, ҳаёт ишига феъли кенг, эзгуликни касб қилиб олган инсонинг ҳаётда мазмунли яшашга қодир инсондир» дейди у.

Дарҳакиқат, инсоннинг руҳини кўтарувчи — унинг гулшани, маскани, роҳат гўёши — азиз Ватани. Ватан туйғуси А. Авлоний дарслекларининг ҳар бир сатрида ўз аксини топган:

Туғилиб ўсдим бу Ватанда
Ватаним мисли йўқ жаҳонда!..
Ўтар кундир, ўтар замон
Эй Ватаним, бўлса хижрон,
Мен кетсамда сен бўл омон
Омон Ватан, халқим омон.

М. Умурзоков «Истиқлол мағкураси ва назария сиёсати» мавзусидаги мақолосида: «Ҳар бир ўзбек уруғининг тарихига боксанг, афсоналаримиз, эртак ва қўшикларимиздан мисол олсан, биламизи, этник хусусиятлар миллатни ажратувчи, паронанда килювчи эмас, аксинча, улуғловчи, бирлаштирувчи хусусиятларни кўрасан. Айни пайтда фозил кишилар учун миллат туйғулари ана шулар восита-сида шаклланади, мужассамланади», деб, тўғри талқин килган.

МИЛЛИЙ маърифат ҳакида сўз юритилганда албатта диний маърифат ҳакида алоҳида фикр юритмок жонзидир. Кўп йиллар мобайнида «дин ҳалқ учун оғудир», деб келинди, вахоланки дин мусулмон дунёсидаги ҳалқ тарбиясига жуда ҳисса қўшиб келган, барчани ахлоқ руҳида тарбиялаган. Диний маърифий руҳ намоёндалар Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Сўфи Оллоёр, Хўжа Аҳрор Вали ва бошқа руҳонийлар ана шундай руҳда тарбияланишларга катта

«ХАЛҚ РИЗҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!»

Газетамизнинг шу йил 36-сонида юкорида сарлавҳа остида ўзлон килинган давлат назорати Мехнатобод тумани инспекцияси ўтказган текшириш натижалари асосида юзага келган мақолада Сирдарё вилоятининг Мехнатобод туманида ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартағи 59-карорини бажаришида жиддий нуксонлаға йўл кўйилгани, жумладан айрим савдо ходимлари харидорлар ҳакига сурбетларча хиёнат килиб келишгани, ана шундай нопон ишда туман матлубот жамияти бошқарувининг раиси Ш. Султоновнинг хотини К. Султононишида бошқалардан ўзбек кетгани танқид килинган эди.

Мақолада кўрсатилган қатор нуксонлар давлат назорати инспекциясига ўтган йили 30 июндаги йигилишида муҳокама килиниб, баъзи тадбирлар белгиланган. Шу йигилиш карори асосида Сирдарё вилояти

матлубот жамияти раиси А. Солиевга тавсиянома юборилган. Унда туман матлубот жамияти раиси Ш. Султоновга нисбатан маъмурий чора кўриш сўралган эди.

Вилоят матлубот жамияти раҳбарлари бу тавсияномага жавоб бермадилар. Шу сабабли туман давлат назорати инспекциясига назоратчиси Набижон Собиров 20 сентябрда вилоят матлубот жамияти раиси А. Солиевга кўйидаги хатни жўнаштига мажбур бўлди: «Сизга 1993 йил 5 июля жўнатилган 56-хатда Мехнатобод туман матлубот жамияти раиси Ш. Султоновга нисбатан чора кўриш тавсияномага асосан ўткоқ Ш. Султоновга нисбатан кўрилган чора ҳакида Мехнатобод тумани давлат назорати инспекциясига ахборот берилмади. Сиздан юкорида кўрсатиб ўтилган тавсияномага асосан кўрилган чора ҳа-

кида ёзма ахборот беринингизни сўраймиз».

Кейин нима бўлди деги. Н. Собиров, А. Солиевнинг муовини К. Ўреков имзо билан ёзилган хатни олди. Унда кўрсатилишича, давлат назорати инспекцияси аниқлаган нуксонларнинг айримлари тасдиқланмаган эмиш. Аслида бундай эмас. Ўреков Султоновни химоя килиши мақсадида «айримлари тасдиқланмади» иборасини ишлатиши кильдилар. Бунинг устига Ш. Султоновга маъмурий жазо бериш сўралган тавсияномага берилган жавоб хатни ўткоқ Ўреков айнан шу кишига, яъни туман матлубот жамияти раиси Ш. Султоновга бериб, манавини Н. Собировга топшириб кўйинг дегани галати. Бу нарса маъмурий конун-кондаларта ҳам, одоб нормаларига ҳам мутлако тўғри келмаслигини нахотки ўткоқ Ўреков тушунмаса.

Қўзибай Ўреков ўз ҳамюрти Ш. Султоновни химоя қилмоқчи бўлиб, пировардида унинг тойнилиб кетишига сабабчи бўлди. Ш. Султонов «сантиқа ишлари» учун прокурор санкцияси билан кўлга олниди. Ҳозир тегетгаётганлиги учун бу «сантиқа иш» тафсилоти ҳакида гапирмаймиз. Бирок шу нарса аниқки, агар вилоят матлубот жамияти туман давлат назорати инспекциясига хатига ўз вактида жавоб бераби, холис карорлар қабул қилганида Ш. Султонов, эҳтимол, ҳозиргида ачинарли ахволга тушмаган бўларди.

Адолат бор. У пировардида тантана қиласи. Бирок уни рўёбга чиқариш учнада ҳаммамиз тўғри ва ҳалол бўлганимиздагина адолатни топиши йўли кискаради.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



МУНОСИБ МУКОФОТЛАР

КАТТА сержант Азмиддин Ихлосов душманга карши жасурлик ва улдабуронлик билан жанг килмоқда. У түрт марта ярадор бўлди, аммо ҳар сафар соғайганидан сўнг яна сафга кайтиб, гитлерчичи босқинчиларга карши тағин хам шиддатлироқ жанг килмоқда. Ўз жасоратлари ва ҳарбий маҳорати учун Ихлосов ҳукуматнинг икки мукофоти — Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланишга сазовор бўлган.

...Азамат пулеметчи Шамсиддин Насридинов кўрсатган жасорати учун III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди. Жангларнинг бирида унинг позициясига 60 га яқин гитлерчичи ҳужум килди, у бундан чўчимади. Пулеметдан аник мўлжалга олган ҳолда ўтиб очиб, 30 дан ортик гитлерчини кириб ташлади, қолгандарини эса тўзгитиб юборди. Бу довюрак жангчи мамлакатимизнинг Шарқий Пруссия билан чегарасига биринчилардан бўлиб чиқди, лаънати фашистларни ўз маконида яксон килмоқда.

159-ўқчи дивизиянинг «Воинская доблесть» газетаси. 1944 йил 14 октябрь куни чиқкан 342-сонидан.

Фронтта Қибрай туманидан жўнаган Азмиддин Ихлосов ҳозирги вактда Чирчик шаҳрининг Ватутин кўчасидаги 15-йда истиқомат қилмоқда.

Ҳарбий хизматга собиқ Мирзачўл туманидан ўйл олган Шамсиддин Насридинов урушдан галаба билан қайтиб Зомин туманида яшаб, вафот этган.

ПИЁДАЛАР МЎЛЖАЛЛОВЧИ СУЛТОНОВДАН МИННАТДОР БЎЛМОҚДАЛАР

ТҮПЧИЛАР учун яхши мактоб пиёдаларнинг миннатдорчилигидир. Пиёдалар эса мактоб учун хасис эмаслар. Аммо бекордан-бекорга мактайверишмайди. Улар тўпчилардан аъло даражада жанг килишини асосли равиша талаб киладилар.

Султонов ёш мўлжалловчи бўлса хам бунга эришган. У ўз тўпи билан пиёдаларнинг жанговар тартибида боради, кўриб отиш позициясидан душман ўти очиш нуқталарига, гитлерчичар тўдасига қаратади ўти очди.

Султонов жангларнинг бирида, айнакса, ибрат кўрсатди: у душман пулемет нуқталарига узоқ вакт ишлашга имкон бермади. Фашистлар пулемети тилга кирди дегунча, ўша томонга 2—3 снаряд йўллайди, карбасизи ўти очиш нуқтаси ўзини осмонда кўради.

Гвардиячи кичик сержант П. Кузьмин 9-гвардиячи ўқчи дивизиянинг «За Родину» газетаси. 1943 йил 3 апрель куни чиқкан 36-сонидан.

Жўра Султонов ҳарбий хизматга Оҳангарон туманидан чакирилган. Фронтда кўрсатган жасорати учун «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган.

1944 йил 11 март куни ҳалок бўлган Жўра Султоновнинг жасади Псков вилоятининг Идриса туманидаги Павлово кишлоги бўсагасида дафи этилган.

ЎЗБЕК РАВШАНОВНИНГ ЖАСОРАТИ

БИРИНЧИ жанг ёш жангчи учун жиддий имтиҳон бўлди. У душман билан илк бор тўкнашди. Мели Равшанов бу имтиҳондан муваффақиятли ўтди. У биринчи жангдаёт 25 гитлерчини кириб ташлади.

Жангларнинг бирида бўлим командири сафдан чиқди. Жасур жангчи бўлимiga командирилик килишини ўз зиммасига олди ва жангчиларни олга бошлаб кетди, қўйилган жанговар ва-

зиғани муваффақиятли адо этди. Бошқа сафар Равшанов бошлиқ жангчилар гурухига тепаликда мустаҳкамланиб олиш ва у ердан ўтиб, алоҳида дараҳтзорга ҳужум килишини давом эттираётган ўқчиларни қўллаб-куватлаш тўғрисида буйрук берилди.

Жангчилар тепаликда мустаҳкамланиб олишга улгурмасдан фашист кузғунлари етиб келиб, бомбардимон кила бошладилар. Шу пайт гитлерчичар взводи Равшанов бошлиқ гу-

ЎЗ ФАРГОНАСИННИ ХИМОЯ ҚИЛМОҚДА ЭДИ

БУ ВОҚЕА ҳужум жанглари қаҳрамонларига ҳукумат мукофотларини топшириш пайтида рўй берди. Гвардиячи кичик сержант Алим Махмудовга ҳам Шуҳрат ордени такдим этилди.

— Жонажон Ватаним учун хизмат

олиб борилмоқда эди. Унинг оркасиндан катта йўл бошланарди.

Бўлинма гитлерчиларни қишлоқдан улоктириб ташлагандан сўнг улар танклар ва ўзиорар тўпларнинг кўллаб-куватлашида карши ҳужумга ўтиши.

— Жангчилар, менинг ёнимга келинг! — Алим уларни вазминлик билан ўз ҳузурига таклиф килди. — Душман ҳар бир карич ерга ёпишиб олмоқда. Биз бу қишлоқни ўз қўлимизда ушлаб қолишимиз лозим. Ярадор бўлганларнинг ўқларини йигиб олиш ва душманнинг позициямизни ёриб ўтишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Орқама-орка жангчилар билан ҳазиллашиб ҳам қўйди: «Йигитлар, исик бўлсин деб, фрицлар устига олов сочамиш».

Жанг бутун тун бўйн давом этди. Махмудов етаки бўлган жангчиларнинг темир иродаси ғалаба қозонди. Фашистларга уларнинг «тигр»лари ҳам, «фердинанд»лари ҳам ёрдам бера олмади. Душман жангчиларнинг шижаотли сиқувига бардош беролмай, жанг майдонида ўнлаб солдат ва офицерларнинг жасадини колдириб, чекинишга мажбур бўлди.

Алим Махмудов кўксидаги «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали ёнига III даражали Шуҳрат ордени ҳам кўшилди.

Александр Падалко. 129-гвардиячи ўқчи дивизиянинг «Гвардейский удар» газетаси. 1944 йил 29 январь куни чиқкан 15-сонидан.

Алим Маҳмудов Қизил Армия сафиға собиқ Марғилон туманининг Каганович қишлоқ Советидан чакирилган.

КИМ ДАДИЛ ОЛҒА БОРСА, УНДАН ҚЎРҚУВ ЧЕКИНАДИ

ФАФУРОВ Ватанга садоқат тўғрисида қасамёд килган. Ўз ўртоқлари олдида ғалаба қозонишмиз учун жонини аямасликка қасиб ичган. Еш тоғик йигит жамият олдидаги ўз бурчини ҳалоллик билан адо этмоқда.

Раззок босқинчиларга карши олиб борилган жангларда иккى марта кон тўқди. У фашистларни кувиб чиқариш ва Болтиқбўйини озод килиш учун олиб борилган жангларда қатнашди. Ҳамма ерда довюраклик ва жасурлик кўрсатди.

Якинда бўлган жандоға Раззок Фафуров аҳоли пунктига бостириб кириш ва у сардаги душман гарнизонини яксон килиш тўғрисида буйрук олди.

Душман узлуксиз ўтиб турганлигига қарамади, бўлим силжий бошлади. Гвардиячиларни пулеметчи ва минометчиларимиз қўллаб-куватлаш туршиди. Рўпарадан ҳужум-килинишини кутмаган гитлерчилар бўлим жангчиларининг ўтишидан саросимага тушшиб қолишиди. Бўлим командири душманга канотдан ўтиди. Автоматчилар уюшқоклик билан ўти очиш ва гранаталар улоктириш билан душман томонида пароқандалик вужудга келтиришиди. Гитлерчилар ташкилий қаршилик кўрсатолмай, чекина бошладилар, бирор, кўпчилик қочиб қолишининг уддасидан чиқа олмади. Раззок Бердиевич душманни изма-из кувиб бориб, 13 фашистни жаҳаннамга жўнатди ва тўрт гитлерчини асири килиб олди.

Гвардиячи ефтерор С. Кругляков, 87-гвардиячи ўқчи дивизиянинг «За честь Родины» газетаси, 1945 йил 19 февраль куни чиқкан 26-сонидан.

Р. Б. Фафуров ҳарбий хизматга Холос туманидан ўйл олган. Ҳозирги вактда Холос кўргонида истиқомат қилмоқда.

Мажид САМАДОВ, Улуг Ватан уруши фахрийи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЖАСОРАТИ

НЕМИС-фашист босқинчиларга қарши 1418 кечада қундуз олиб борилган Ватан урушида ўзбекистонликлар алоҳида қаҳрамонлик, мардлик, жасурлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар.

Кўшида газетхонлар эътиборига баъзи ҳамортларимизнинг ҳаёт-мамот жангларидан қўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида фронт газеталарида ёритилган баъзи мақолаларни ҳавола этамиш.

ХАЛҚНИНГ ОЗОД ҚИЛУВЧИ ЖАНГЧИЛАРИДАН ТАЛАБИ

Орденли ўзбекистоннинг севимли ўғлонлари!

Ушбу мактуб билан сизни жонажон ўзбекистоннинг ҳамма ҳалқи табриклиди. Фикримиз ва қалбимиз сиз билан бирга. Ўзбек ҳалқи сизни жангда бешафқат бўлишга чакиради. Гитлерчиларни кириш билан Сиз катта ҳиммат қўрсатган бўласиз. Сизнинг одамгарчилигинги меъёри сиз кириш ташлаган фашистлар сони билан ўлчанади. Битта бўлсада фрицини ўлдирмаган жангчи бошига уят ёғилади.

Ўзбек ҳалқининг ўғлони! Сенинг ота-боболаринг эркисиз яшагандан кўра-куллик занжирини тишилар билан узиб ташлашни афзал билишган...

Озодлик гаштини лоқал бир марта сурған киши уни ҳеч қачон унутмайди. Қулликда юз йил яшагандан кўра озодликда бир кун яшаган афзал. Ватанимиз учун, озодлигимиз учун жонингизни аямасдан жанг килинг!

